

**ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИНИ
ОШИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Эргашева Махсуда Пулатовна

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, ЖДПУ, Жиззах шаҳри.

Электрон почта: maxsuda2021@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7373349>

Аннотация. Ушбу мақолада хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигининг ошишида глобал жамоатчилик фикрининг ўрни, турли даврларда хотин-қизлар ижтимоийлашуви ва жамоатчилик фикри шаклланишидаги объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида замонавий дунёқарашни шакллантириши зарурияти, барча халқларнинг, шу жумладан, халқимизнинг менталитетига хос хотин-қизлар ижтимоийлашуви ҳақидаги дунёқарашни шакллантиришида инсоният тарихида яратилган хотин-қизлар ижтимоийлашуви ҳақидаги назарий-илмий, ҳуқуқий қарашларини қиёсий таҳлил этиши ва улардан амалий фойдаланиш масалалари илмий ўрганилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ҳаракат, ижтимоийлашув, жамоатчилик фикри, ҳуқуқий ҳимоя, фаоллик, сиёсий ҳуқуқ, замонавий дунёқараши.

Аннотация: В данной статье научно изучено роль мирового общественного мнения в повышении прав женщин, активность в общественно-политических процессах, объективные условия и субъективные факторы социализации женщин и формирования общественного мнения в разные периоды, необходимость формирования современной мировоззрение в общественно-политической жизни женщин, в том числе сравнительный анализ теоретико-научных и правовых взглядов на социализацию женщин всех народов, женщин, что характерно для менталитета нашего народа, созданных в истории человечества, и их практическое использование в формировании мировоззренческих представлений о социализации женщин.

Ключевые слова: женщины, общественно-политическая жизнь, движение, социализация, общественное мнение, правовая защита, активность, политическое право, современное мировоззрение.

Annotation: This article scientifically studied the role of world public opinion in enhancing women's rights, activity in socio-political processes, objective conditions and subjective factors of women's socialization and the formation of public opinion in different periods, the need to form a modern worldview in the socio-political life of women, including a comparative analysis of theoretical, scientific and legal views on the socialization of women of all nations, women, which is typical for the mentality of our people, created in the history of mankind, and their practical use in the formation of worldview ideas about the socialization of women.

Key words: woman, social and political life, movement, socialization, public opinion, legal protection, activity, political law, modern outlook.

Дунё тарихида хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашлари осон ва бир текис кечмаганлигига шохид бўламиз. Баъзи мамлакатларда узоқ йиллик қатъий ва мунтазам, шунингдек давомли ҳаракатларгина аёлларнинг ижтимоий аҳволининг яхшиланишига олиб келган. Аёллар ҳаракатларида эса минглаб илғор фикрли аёллардан ташқари ўз замонининг тараккийпарвар эркаклари ҳам аёллар ҳуқуқлари учун курашганлар.

1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таъсис этилганда бу халқаро ташкилотга аъзо бўлган 51 давлатларнинг 30 тасидагина хотин-қизларнинг эркаклар билан умумий тенглиги ҳақидаги қонунчилик мавжуд эди. 1995 йилга келиб эса БМТ патронажида Пекинда ўтказилган хотин-қизларнинг халқаро конференциясида барча давлатларга мавжуд бошқарув лавозимларининг 30% гача қисмига хотин-қизларни тайинлаш тавсия этилган эди.

1946 йил 12 февралда Лондонда БМТ Бош Ассамблеясининг инаугурацион маросимида Америка Қўшма Штатларининг мархум Президентининг хотини бўлган Элеонора Рузвельт мазкур анжуманнинг Қўшма Штатлардан сайланган делегати сифатида ўзининг “Дунё хотин-қизларига очик хатини” ўқиб эшиттирди. Бу сана янги дунё тарихида хотин-қизларнинг ўз сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий ва инсоний ҳақ ҳуқуқлари йўлидаги ҳаракатларида янги даврни, замонавий янги босқич моҳиятини белгилаб берди.

Шу даврдан бошлаб, бутун дунё миқёсида аёллар мавҳум бир оилавий тушунча бўлмай, балки жамиятнинг тўлақонли аъзоси, жамиятнинг бунёдкор кучи эканлиги ғояси БМТга аъзо бўлган барча давлатлар томонидан қўллаб қувватлана бошланди. Шу даврдан бошлаб кўпчилик давлатларда замонга эътибор аёлга эътибор билан узвий боғланиб кетганлигига шохид бўламиз. Замонавий давлатларнинг тараққийпарварлик даражаси эса хотин-қизлар ҳақ ҳуқуқларининг нечоғли таъминланганлик меъёри билан белгиланмоқда.

Агар дунё тарихида хотин-қизлар ҳаракатларининг ривожланиш босқичларига мисоллар келтирадиган бўлсак, албатта Француз Революцияси давридаги Олимпия Де Гуж номини эшлаш жойиз. 1791 йилда Олимпия Де Гуж “Аёл ва фуқаронинг ҳуқуқлари Декларацияси” ни ёзади. Бу ҳужжатнинг номиданоқ яққол кўришиб турган нарса шуки, Де Гуж аёлларни фақат жинсий тур сифатида эмас, шунингдек фуқаро ҳам эканликлари ғоясини илгари сурган. Бу мард аёлнинг энг машҳур сўзларидан бири “Агар аёлнинг эшафотга чиқишига ҳуқуқи бўлса, демак унинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи ҳам бўлиши керак” деган чақирик эди. Аммо Де Гуж декларацияси қабул қилинмади. Шунингдек, 1791 йил ҳамда 1793 йиллардаги Француз Конституцияларига ҳам аёлларнинг фуқаро эканликлари ғоялари киритилмади. Ҳатто, Наполеон даврида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституцияда ҳам аёлларни четлаб ўтилди. Наполеон Конституциясидаги Озодлик, Тенглик, Бирдамлик тўғрисидаги ғоялар фақат ва фақат эркакларга тааллуқли эди.

Фредерик Дуглас иштирокида Нью-Йоркнинг Сенека Фолзида 1848 йилда 200 аёл ва 40 эркак хотин-қизларнинг фуқаролик, диний, ижтимоий ҳуқуқларини таъминловчи ҳуқуқларни ишлаб чиқиш учун йиғилдилар. Бу санадан илгарироқ мазкур анжуман иштирокчилари бўлган Элизабет Кеди Стентон ва Лукриция Мотт Лондонда ўтказилган куликка қарши мажлисга фақат аёл бўлганликлари учун киритилмайдилар. Бу воқеадан дарғазаб бўлган илғор инсонлар Мустақиллик Декларациясига тадқиқан “Аёллар ҳуқуқлари мажмуини” яратдилар. Мажлис иштирокчиларининг баъзиларида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи ҳақидаги тезис эътироз уйғотади. Шунда Фредерик Дуглас аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ёрқин нутқ сўзлади. Шунга қарамай аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини бутун мамлакат бўйлаб қонун даражасида қабул қилинишига ҳали узоқ эди.

1869 йилда Элизабет Стентон ва Сюзан Бентони аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини ҳимоялаш миллий уюшмасини таъсис этиб, АҚШ Конституциясига аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминловчи қўшимчалар киритиш учун узоқ йиллар давом этган

компанияни бошладилар. Бу аёллар 50 йил давомида мана шу мақсад учун кураш олиб бордилар. 1869 йилда Вайоминг штати илк бор мазкур қўшимчани тан олган бўлса, бутун Америка Конституциясига ҳар бир америкалик аёлнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминловчи 19-қўшимча 1920 йилдагина киритилади.

1918 йилдан бошлаб Германия хотин-қизлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Германия аёлларининг тенглиги ҳуқуқи давлат Конституцияси томонидан қафолатланган. Аммо немис тадқиқотчиларининг фикрича, аёлларнинг эркаклар билан тенглиги кўпроқ, қонун амалиётини эмас, балким келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифани англатади. XX асрнинг сўнгги йилларида Германияда аёлларнинг сиёсатдаги фаоллиги ва улар иштирокининг мунтазам ўсиши характерли белгилардан ҳисобланади. Германияда фаолият олиб бораётган кўпчилик сиёсий партияларда аёллар учун махсус квоталар тизими ишлаб чиқилган. Германия парламентида аёллар сони сўнгги вақтларда анча ўсган бўлиб, бугунги кунда 30% га яқинлашиб бормоқда. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровга асосан 90% респондентлар аёл киши федерал канцлер, давлат раҳбари лавозимини эгаллашига қарши эмасликларини билдиришган. 1991 йилдан Германияда оила, улуг ёшлилар, аёллар ва ёшлар вазирлиги таъсис этилган.

Хотин-қизлар аҳволига бағишланган биринчи халқаро конференция 1975 йилда, БМТ томонидан бутун дунё бўйича эълон қилинган халқаро Аёллар йилида Мексикада ўтказилди. Бу конференция мақсади хотин-қизлар аҳволига бутун дунё ҳамжамияти эътиборини қаритиш, хусусан аёлларнинг жинс асосида камситилишига барҳам бериш масалаларига қаратиш эди. Анжуман дунё миқёсида ўтказилганлиги боис, дунё ҳамжамиятининг чуқур эътибори, давлат раҳбарларининг диққати, минглаб ахборот воситаларининг жуда катта қизиқишига сабаб бўлди, бу эса хотин-қизлар муаммоларининг жуда кенг муҳокама қилинишига олиб келди. Мексика конференциясида БМТ шиори остида ўтказиладиган ана шундай анжуманлар анъанасига асос солинди.

1980 йилда БМТ нинг 145 аъзо давлатлари Копенгагенда хотин-қизларнинг иккинчи анжуманига йиғилдилар. Анжуман иштирокчилари Бош Ассамблея томонидан 1979 йил декабрда қабул қилинган “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияга марказий эътибор қаратишди. Мазкур халқаро ҳужжат то ханузгача хотин-қизлар тенглиги ва уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан ҳисобланади. Ҳозиргача мазкур Конвенцияни 165 дунё давлатлари ратификация қилган бўлиб, Ўзбекистон ҳам шулар қаторидан ўрин олди. Ушбу ҳужжатни имзолаган барча давлатлар ҳар 4 йилда ўз давлатларидаги аёллар аҳволи тўғрисида Бош Ассамблеяга ҳисобот бериб боришлари лозим.

1985 йилда Найробида хотин-қизларнинг учинчи халқаро конференцияси ўтказилди. Бу конференцияни сиёсатшунослар “феминизмнинг халқаро одимлари” деб атайдилар. Мазкур анжуманда дунё бўйича келган 1500 иштирокчилар қатнашди. Анжуманнинг ўзига хос хусусиятларидан унда иштирокчиларнинг кўпчилиги нодавлат тизимларидан қатнашаётганлиги, ривожланган давлатларнинг ривожланаётган давлатлар хотин-қизларига бўлган эътибори бўлди. Найробида ишлаб чиқилган Хотин-қизлар ҳаракатлари Стратегияси 157 давлатлар томонидан ижро учун қабул қилинди.

Дунё миқёсида катта қизиқиш ва шов-шувга сабаб бўлган БМТнинг тўртинчи халқаро хотин-қизлар анжумани 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтди. Унда дунёнинг барча

китъаларидан 30000 аёллар иштирок этди. Мазкур анжуманнинг бош қарорларидан бири бошқарув ишларида аёллар сонини 30% гача кўтариш барча давлатларга тавсия этилгани бўлди. Аёлларнинг молиявий эркинлиги, аёллар ҳаракатлари учун уларнинг иқтисодий эркин бўлишлари масалалари кенг муҳокама этилди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги дунё бўйича хотин-қизлар масалаларига ҳамжамият эътиборини ва диққатини қаратиш шиори остида ўтди. Бутун жаҳон хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, давлат ва жамият бошқарувидаги фаолиятларини кучайтиришга чақирилди. Агар БМТ нинг ўзини оладиган бўлсак, 1994 йил ноябрь ойида БМТ Бош Котиби томонидан Котибиятда хотин-қизлар иштирокини кучайтириш бўйича Ҳаракат Дастури (1995-2000) қабул қилинди. Ўтган йиллар давомида эса мазкур ташкилотнинг турли тоифадаги раҳбарлик органларида аёллар сони 15,5% дан 29,7% гача ўсди, аммо Ҳаракат Дастуридаги белгилаб берилган 50% лик марра ҳали эгалланганича йўқ.

Оммавий ахборот воситалари Мехикода ўтган анжуманни дунё миқёсида хотин-қизлар ўртасида диалогнинг бошланиши деб аташди, Копенгаган анжумани аёллар аҳволи асосида чуқур анализнинг боши ва ўз фаолиятини баҳолаш даври деб атадилар. Найроби анжумани дунё миқёсидаги янги мазмундаги жаҳон феминизмининг қайта туғилиши деб номланди. Пекин конференцияси эса, жаҳон феминистик ҳаракатининг катта ғалабаси ва унинг фаолиятидаги аёллар манфаатларига содиқлик ва изчиллик сифатида баҳоланди.

Масалан, Албанияда мавжуд қонунчиликка ўзгартириш киритиш орқали парламентга сайловлар жараёнида номзодлар эркак ва аёллардан тенг баробар кўрсатилиши лозимлиги белгилаб берилди. 1998 йилда Яман давлатида хотин-қизларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи доирасидаги қонунчилик кучайтирилди. Канадада эса ўтган асрнинг сўнгги беш йили давомида мамлакат сиёсий ҳаётидаги аёллар сони 50% га етказилди. Камерун, Сальвадор, Нигерия, Парагвай каби мамлакатларда эса аёллар ўз сиёсий партияларига эга бўлдилар. Ҳатто Қувайт ва Саудия Арабистони каби давлатларда ҳам аёллар сиёсий ҳуқуқлар масалалари кенг муҳокама этилаётир. Бир неча йиллар аввал толибонлар таъсиридан қутилган Афғонистонда 2004 йил октябрь ойида ўтказилган президент сайловларида рўйхатга олинган 13 номзоддан бирининг аёллардан бўлганлиги ҳам сўнгги йиллардаги аёлларнинг сиёсий онги ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Португалияда ташқи муҳитни ҳимоя қилиш ва худудий ривожланиш вазири аёл киши бўлиб, ушбу вазирликдаги раҳбарлик лавозимларидан 19%, ишчи ходимларидан эса 36% аёллардан иборатдир. Тунисда худди ана шу вазирликка аёл киши раҳбарлик қилади. Эронда эса Президентнинг матбуот ишлари бўйича давлат маслаҳатчиси аёл кишидир.

1996 йилда бутун ер шари бўйлаб 6,8% аёллар министр лавозимида бўлган бўлсалар, 1997 йилда бу кўрсаткич 7% га, 1998 йилда эса 7,4%га ўсган. 1999 йилда дунё парламентларининг юқори палаталарида 677 аёл сенаторлик лавозимида фаолият юргизган. Холбуки шу даврдаги мазкур лавозимдаги эркаклар сони 5639 та бўлган. Демак, дунё ҳамжамияти хотин-қизларнинг жамиятни бошқариш ва раҳбарлик салоҳиятига тобора катта эътибор қаратиб, мазкур жараёнларга аёлларни тобора кенгроқ жалб этиш ҳаракатидадир. Мазкур ҳаракат ўз ўрнида давлат ҳамда мамлакатнинг ривожланганлик даражаси хусусиятларидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбари Кофи Аннан 2000 йил 5 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус хотин-қизлар масалалари бўйича чақирилган сессияда “Аёл

2000: XXI asrda gender tenglik, tarakkiyet va jahon” mavzusida maъruza qilib, yana bir bor butun dunё hamjamiyatining gerder simmetriya intilihini taъkidlab ўtdi, hamda XXI asr aёллар ravnaqi va tarakkiyeti asri bўlishiga komil ishonch mavjudligini taъkidlab ўtdi. BMT Boш Assambleyasining 2015 yilning sentyabrida Barqaror rivojlaniш bўйicha ўtkazilgan sammitida 70-sон rezolyuciyasi qabul qiliniб, мамлакатимиз uchun dolzarb хисобланган 16 та миллий мақсадга эришиш бўйича 125 та мақсадли вазифа hamda 206 та индикатор ишлаб чиқилган. Хусусан, барқарор rivojlaniш соҳасидаги 5-мақсад — Gender tenglikni taъminlash va барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркақларнинг тенг ҳуқуқ hamda имкониятларини таъминлашга қаратилган ислохотлар билан ҳамоҳангдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон тарихида ilk мартаба парламентда хотин-қизлар сони BMT томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етди ва дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди. Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга, партияларда 44 фоизга, олий таълимда 40 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга етди.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигининг ошиши нафақат дунёда кечаётган прогрессив ўзгаришларга боғлиқ, балки улар ҳақидаги глобал жамоатчилик фикрининг ҳам оптималлашуви натижасидир.

Юқоридаги таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигининг ошиши нафақат дунёда кечаётган прогрессив ўзгаришларга боғлиқ, балки улар ҳақидаги глобал жамоатчилик фикрининг ҳам оптималлашуви натижасидир;

- турли даврларда хотин-қизлар ижтимоийлашуви ва жамоатчилик фикри эволюцияси объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар hamda хотин-қизлар ижтимоийлашуви борасида замонавий дунёқарашни шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади;

- хотин-қизлар фаоллигининг умуминсоний хусусиятларини шакллантиришда Шарқ ва Ғарб алломалари ижод намуналарини илмий ўрганиш, умумлаштириш хотин-қизлар фаоллиги ҳақидаги дунёқарашни универсаллаштиради;

- барча халқларнинг, шу жумладан, халқимизнинг менталитетига хос хотин-қизлар ижтимоийлашуви ҳақидаги дунёқарашни шакллантиришда инсоният тарихида яратилган хотин-қизлар ижтимоийлашуви ҳақидаги назарий-илмий қарашларини қиёсий таҳлил этиш ва улардан амалий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. М.А.Рахимова “Международно-правовые аспекты защиты прав женщин” 2003, с.56.
2. Г.Тўйчиева “Халқаро хотин-қизлар ҳаракатлари тарихидан” 2004
3. “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида gender tenglikka эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.05.2021 йилдаги СҚ-297-IV-сон қарори.